

**МАРҲАБО**

*Қаширға  
совчи келди*

*Шеърлар*

**Тошкент – 2013**

УЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)6  
М29

*Тақризчи:*  
**Санъат Маҳмудова**

*Масъул муҳаррир:*  
**Зухра Алиева**

**Эслатма:**

*Китобни кўчириб чоп этиш ёки шеърларни қўшиқ қилиш  
муаллиф рухсати билан амалга оширилади.*

**КБК: 84(5Ў)6** Марҳабо, Каримова.  
**М29** : Қамширга совчи келди (шеърлар) / -  
Тошкент: «Yurist-media markazi» нашриёти.  
2013. – 72 б.

**УЎК: 821.512.133-1**  
**КБК: 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-4127-3-6

© «Yurist-media markazi»  
нашриёти, 2013 й.



## КАМПИРГА СОВЧИ КЕЛДИ

Совчи бўлиб кеча Лола холага  
Бир чол ўгли, қизи билан келишди.  
Бу ҳовлида бева аёл борлигин,  
Худо билади, қаердан билишди?!

Жаҳли чиқиб кетди Лола холанинг,  
Бирон қўшни айтгандир-да тегишиб,  
Кампирга ҳам совчи келар экан, деб,  
Келинлари қиқирлашди кулишиб.

— Шарта ҳайдаб солсанглар-ку, — дер, хола,  
Катта келин дер: — Ўзимиз биламиз.  
Улар — совчи, сиз — қиз, биз — ота-она,  
Дарров ясанинг, «қизкўрар» қиламиз.

Кичик келин қиқир-қиқир кулади:  
— «Қизкўрар»ми, вой-вой, ўлиб қоламан,  
Ҳамма ишни йиғиштириб тўй куни,  
Ўзим сизга янга бўлиб бораман.

Хола дейди: — Сизга кулгу бўлса бас,  
Қудалару ўғилларни лол қилиб,  
Роса бўлар эканман-да, шарманда,  
Етмиш ёшга етганимда эр қилиб.

Келин дейди: — Ҳозир қизларга эр йўқ,  
Ноз қилмасдан тегсангиз-чи, ойижон.  
Худди қиздай узатамиз сеп ёйиб,  
Чарлар қилиб ёзамиз зўр дастурхон.

Бир йил бўлди ўлганига чолингиз,  
Эрга тегиб дуосини оласиз,  
Уч йил ўтса «қари қиз» бўлиб тамом,  
Олти йилда нақ «ўтириб» қоласиз.



Хола деди: — Рози қилдим чолимни,  
Нафақам бор, камим йўқ, Худо олсин.  
Инжиқ чолга учраб қолсам нетаман?  
Бир обдаста суви бошидан қолсин.

Теккан эди битта чолга, ўртоғим,  
Қачон кўрса қитиқларкан, куйдирги.  
Ўлганини кунидан бир ой яшаб,  
Суюқ чолдан зўрға қочиб қутилди.

Шўрлик ўртоғим дер: «Берган нарчасин  
Тахлаб-тахлаб, қўйиб келдим, ўртоқжон,  
Тож кийдир бўлса ҳам энди эрга  
Тегмайдиган бўлиб келдим, ўртоқжон».

Чол дегани ибодатда, бўлса-ю,  
Ҳикмат турса тўкилиб суҳбатидан,  
Ўрнин билиб қилса мутойибани,  
Ҳеч бир аёл қочмайди меҳнатидан.

Келинлар дер: — Бизнинг куёв зиёли,  
Юзларидан нур ёгилар, бир қаранг,  
Ўғилларингизни кўндириш биздан,  
Ресторанда тўй қиламиз бадабанг.

Лола хола деразадан беписанд,  
Қаради-ю деди: — Вой, тавба, ҳай-ҳай,  
Ахир, бу чол ёшлигимда олмаган.  
Қўшни йигит: Тирик экан, вой ўлай!

Ёниб кетди келинларнинг кўзи ҳам,  
Дедиларки: — Битта найранг қиламиз.  
«Ҳа», «Йўқ» демай, уч-тўрт ой қийнаб, чўзиб,  
Ёшликдаги ўчингизни оламиз.



Лола хола бир хўрсиниб дедилар:  
— Ёшлик ўтди-кетди, энди фойдасиз.  
Келинлари қисташади: — Ясанинг,  
«Қиз кўрар»га чой кўтариб чиқасиз.

Юраклари ўйнар эди холанинг,  
Не бўлса ҳам, ёшлигида суйгани,  
Ичида дер: «Ўзингни тут, ҳой, Лола!  
Энди навбат сеники куйдиргани».

Келинлари роса ясантиришди,  
Қаршисига қўйишиб тошойнакни,  
Чой узатиш йўлин роса ўргатиб,  
Тутқаздилар пахта гулли чойнакни.

Лола хола чой кўтариб кирдилар,  
Ҳаяжондан оёқлари қалтираб,  
Қўшни йигит нурли чолга айланиб,  
Ўтирарди туфлилари ялтираб.

Қизи деди: «Ёлғиз қолди отамиз,  
Жон, аяжон, она бўлинг бизларга,  
Қариганда юрасизми маҳрамсиз,  
Чўри бўлиб келинларга, қизларга?»

Отамизга бўлинг ҳамроҳ, суҳбатдош,  
Алоҳида бир уй тайёрлаб қўйдик.  
Ўғил-қизлар доим хизматингизда,  
Отамизга қилсангиз бас ғамхўрлик».

Чой қўйишни ҳам унутиб холамиз,  
Ўтирарди чойнакни ушлаганча.  
Маъюсгина кўзларин ерга тикиб,  
Рўмолининг учини тишлаганча.



Совчиларга ёққан эди холамиз,  
Кулар эди қўшни «йигит» кўзи ҳам,  
Лола хола ҳамма гапни унутиб,  
«Хўп», деганин билмай қолди ўзи ҳам.

«Жума куни келиб олиб кетамиз»,  
Деди, қизи орқасига қайрилиб,  
Шумшайишиб қолишганди келинлар  
Беминнат қиз — дастёридан айрилиб.

Хола сархуш, келинлар хомуш, ҳайрон,  
Жириллашар: — Нимага «хўп» дедингиз?  
Лола хола «йўл» қилди: — Чунки мендан  
Зерикканга ўхшадингиз ўзингиз.

Келинлар дер: Боламизга қарар ким?  
Ишга кетсак, қоладими уй ёлғиз?  
Хола деди: — Ўзи «ўтириб» қолдим,  
Сизларни деб, бўлайинми «қариқиз»?

Келинлар дер: — Билмайсиз, чоллар ёмон,  
Чидолмасдан қайтасиз изингизга.  
Хола дер: — Куюнманг, куёв зиёли,  
Кўпам ёмонлик қилмас «қиз»ингизга.

— Она, сизни қийнаб қўйдикми? — дея,  
Катта ўғли кўзларини ёшлади,  
Нечук бирдан... Хола деди: — Мен эмас,  
Бу ғавғони келинларим бошлади.

— Ҳазиллашдик, — деса, келин, хола дер:  
— Мен ҳам битта ҳазил қилай сизларга,  
Хуллас, «қизларингиз узатиляпти,  
Ана энди тайёр тулинг «чарлар»га.



Куёвингиз яхши бўлса бас, борай,  
Бир вайрон қўнгилга маликаликка,  
Агар ёмон чиқсалар, қайтиб келиб,  
Ёлланаман сизларга чўриликка.

Қудаларин ҳайратларда қолдириб,  
«Келин» бўлиб кетди Лола холамиз.  
У ёқларда бўлган саргузаштларни  
Иншооллоҳ, бошқа шеърда ёзамиз.



## ҚИДИРУВ

Рўзномага хат келди бир отадан,  
 Етмиш ёшли бевачол Тошболтадан,  
 «Топиб беринг», депти, қайта-қайтадан:  
 «Бева чолга бева кампир бормикан?»

Бир йилдирки, қазо қилган кампирим,  
 Бир хотинга совчи бўлди келиним,  
 Унамабди, кўнглим вайрон, қон дилим,  
 Бева чолга бева кампир бормикан?

«Керакмас эр, нафақам бор», дер эмиш,  
 Яшаётган эмиш бўлиб, озод қуш,  
 Етмиш ёшда бу қанақа ноз қилиш?  
 Бева чолга бева кампир бормикан?

Муҳтожмас-да, доим тайёр нону, ош,  
 Хизматида ўғил, келин, қариндош,  
 Аёл зоти муҳтож бўлса эгар бош,  
 Бева чолга бева кампир бормикан?

Шундай бўлгач, бизга иши тушарми?  
 Битта чол деб, оромини бузарми?  
 Нафақаси кеккайтирди буларни,  
 Бева чолга бева кампир бормикан?

Нодон хотин, нафақа бор менда ҳам,  
 Кўшсак агар, саккиз юздан бўлмас кам.  
 Яшар эдик гурунглашиб, шод, беғам,  
 Бева чолга бева кампир бормикан?

Бўлар эдик икки ёрти, бир бутун,  
 Рўзғор — қаср, эркак — том, хотин — устун,  
 Бир йилдирки, мўримдан чиқмас тутун,  
 Бева чолга бева кампир бормикан?





Ёлғизликдан бефайз ўтар тунларим,  
Кириб кетар, уйига ўғилларим,  
Оғриб чиқар оёқ, қўл, бўғимларим,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ёшлигимда онам: — «Гар десанг бизни,  
Ол, дедилар, буғдойранг қўшни қизни,  
Дедим: — Олмайман дидингиз йўқ сизни,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ўша буғдойранг қиз кампир бўлганмиш,  
Хабар келди, бултур чоли ўлганмиш,  
Совчи қўйсам, «Эндими, йўқ!», деганмиш,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Қорамиди, олами, майли эди,  
Ёлғизликдан қутқарса бўлди мени,  
«Пуф, сассиқ» қилганимга зорман энди,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Эҳ, кампирим, қадри энди билинди,  
Парвонадай атрофимда юрарди,  
«Буни ичинг, буни кийинг», деярдди,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ўшанда ҳам бермас эдим сиримни,  
Ёш жононлар ром этарди дилимни,  
Ўйламабман ўшанда бу кунимни,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Хиёнатдан куяр эди кампирим,  
Пушаймонман, курсин менинг ғўрлигим,  
Тиригим бу, не бўларкан ўлигим?  
Бева чолга бева кампир бормикан?



Тагимдан тахт, белдан кетгач дармонлар,  
Тарқаб кетди теграмдаги жононлар,  
Жуфтингизни эъзозланг, қадрдонлар,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Кампирим-а, мендан кейин ўларди,  
Аёл киши бир кунини кўрарди,  
Мени кўмиб, йиғиштира бўларди,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Аёл неъмат экан, кўзга илмабман,  
«Орқамда қол», дея, дуо қилмабман,  
Ёлғизлик бир балолигин билмабман,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Қайга борсин, шўринг қурғур, бева чол?  
Ёлворади Аллоҳга афтода ҳол:  
«Бир маҳрам бер, бермасанг жонимни ол»  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ўтиб кетган бўлса ота-онаси,  
Ўз тинчини ўйласа ҳар боласи,  
Куладилар чиқар бўлса ноласи,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Уйлаб қўяй деб бир хеши келмаса,  
Болалари хотин меҳрин бермаса,  
Раҳми келиб бирон хотин тегмаса,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ўғлим яхши, боқар мени, сўйиб қўй,  
Дегим келар, хаёлимда битта ўй:  
«Болам, мени боқмагину уйлаб қўй»,  
Бева чолга бева кампир бормикан?



Эвлар экан ўзини бева хотин,  
Қайга борса сиғиб кетиши тайин,  
Қийин-қийин, ёлғиз эркакка қийин,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Кўнгли битта маҳрам истаб ҳиққиллар,  
Ўғли кўнса, қизи йиғлаб пиқиллар,  
Дер: «Онамнинг арвоқлари чирқирар»  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Ёлғиз чолнинг қуш ўтмас айвонидан,  
Хотин зоти четлаб ўтар ёнидан,  
Бу хат барча ёлғиз чоллар номидан,  
Бева чолга бева кампир бормикан?

Бирон аёл деса, агар: «Тегаман»,  
Маҳр қилиб, этажимни бераман,  
Айтиб қўяй, ҳажга олиб бораман,  
Бева чолга бева кампир бормикан?»





## ОНА ВАСИЯТИ

Ёлғизликдан ўн йил чекиб азият,  
Бева бир чол ўтди, бу ҳам бир ибрат,  
Қасд қилдимки, ёзай шундай васият:  
«Отангизни уйлаб қўйинг, болалар».

Ўша куни касал бўлиб, ёлғондан,  
Болаларим чақиртириб ҳар ёндан,  
«Оҳ-вой» қилиб, дедим: «Айрилсам жондан,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Умрим қанча мен ҳам, сиз ҳам билмайсиз,  
Қазо қилсам, гап шу аза қилмайсиз,  
Онам биздан рози бўлсин, десангиз,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Келин, қизлар уй қизғониб турмасин,  
Энсалари қотиб, лабин бурмасин,  
Туфлиси чанг, ёқаси кир юрмасин,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Сиздан бошқа уни ким ҳам ўйлайди,  
Оғриб қолса ўша аёл қарайди,  
Ҳолин сўраб, чой тутишга ярайди,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Кўшнимизнинг ўлган эди онаси,  
«Ёлғиз қолдим, уйланг» деди отаси,  
«Йўқ», деб қарши бўлди ҳамма боласи,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.



Ота норози, бўлди-ю, сал ўтмай,  
Ўтиб қолди бир томони ишламай,  
Ана, энди қарашяпти ухламай,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Маъракамни ўтқазингу бўлиб жам,  
Излаб, топиб олиб беринг бир маҳрам,  
Ўзингиз ҳам бўласиз тинч-хотиржам,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Аввалам бор, Оллоҳ инсон боласин,  
Дарду касал чангалига солмасин.  
Ювиш, тўсиш келинларга қолмасин,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Волидангиз аввал ўлса агарда,  
Отани ҳам тирик кўмасизми-а?  
Ўлғиз қўйманг, у ҳам ожиз бир банда,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Ялининг, ёлворинг, топманг баҳона.  
«Уйланишга кўнмаяптилар», дея,  
Соғлигида, куч-қувватин борида,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Ё ижара ё уй олиб, тинч, холи,  
Келинларига тушмасин малоли,  
Ҳар кун хабар олинг, қандай аҳволи?  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Бу отангиз сизни катта қилгунча,  
Тинмаган-ку, тонг отиб, кун ботгунча.  
Уй сол, тўй қил, сарфлаган қанча ақча,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.



Юз ҳовлига кирдим учта ўғилни,  
Уйлаш учун, ковушларим йиртилди,  
Битта чолни жуфтлаб қўёлмайсизми?  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Ўзи айтмас, сиздан ҳаё қилади,  
Хотирамга ҳурмат бажо қилади,  
Лек, ёлғизлик уни адо қилади,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Битта уйда ёлғиз ётса отангиз,  
Сиз уялмай, хотин билан ётасиз,  
Падаримни рози қилай десангиз,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Полпис хотин топиб, қийнаманг яна,  
Чолим ўзи тақводор, пок, олифта,  
Доно, хушрўй, аёл топинг, албатта,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Бирларингиз уй топиб, тайёр қилинг,  
Бирларингиз сеп йиғиб тайёр қилинг,  
Отанинг тоқ юришидан ор қилинг,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Ота рози — худо рози, билволинг,  
Уйланг, боқинг, хуллас хушнуд қилволинг,  
Дуо олиб — жаннатларга кирволинг,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

Тарбиялаб, ғалвангизга бериб дош,  
Умрингизни ёритди ўша Қуёш,  
Кўнмаса ҳам, оёғига уриб бош,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.



Марҳабо дер: Кўп яшасин, илоҳим,  
Неча йиллик қадрдоним, паноҳим,  
Ёлғиз қолса чирқирайди арвоҳим,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар.

«Уйланди», деб, ул жуфти ҳалолимни,  
Ким устидан кулса, агар, чолимни,  
Худойимга солдим, ўша золимни,  
Отангизни уйлаб қўйинг, болалар».





## ОРҚАМДА ҚОЛГИН, КАМПИРИМ

Елдайин ўтди умр,  
Гоҳи ташвиш, гоҳ ҳузур,  
Илтижо энди будур:  
Орқамда қолгин, кампирим.

Кексалик келди тугал,  
Гоҳи соғмиз, гоҳ касал,  
Оғрисанг тезроқ тузал,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Бўламан сенсиз нўноқ,  
Гўё оёқ-қўлсиз чўлоқ.  
Сенсиз аҳволим чатоқ,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Яктагим топсам, агар,  
Пайпоқ топилмай — хит қилар,  
Уй ишин хотин билар,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Ўнта ўғлим, ўн қизим,  
Берганда ҳам нону-тузим,  
Кулмагай сенсиз юзим,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Уришиб, гоҳ койидим,  
Шўхлик қилиб гоҳ айнидим,  
Ёшмидим, нодонмидим,  
Орқамда қолгин, кампирим.

«Вой бошим, тиззам», десам,  
Сен овутиб, айтиб масал,  
Суртасан ёғу, асал,  
Орқамда қолгин, кампирим.





Бўлмагай ўғилу қиз,  
Бир тола сочингча азиз,  
Қўша-қариб иккимиз,  
Орқамда қолгин кампирим.

Намозимга уйғотиб,  
Таҳоратимга сув тутиб,  
Жумадан келсам кутиб,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Бир умрлик сирдошим,  
Ҳам дўхтирим, суҳбатдошим,  
Сен билан тикка бошим,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Бўлмайин сендан қолиб,  
Ёлғизу тоқ, хору ғариб,  
Юрмайин жуфт ахтариб,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Мендан олдин кетма, гул,  
Юз ёшга кирмай ўтма, гул,  
Розиман, минг бор шукур,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Дейдиларки: Чин етим,  
Ул, хотинидан қолса ким,  
Бўлмайин ёлғиз етим,  
Орқамда қолгин, кампирим.

Сен уйимга нур, зиё,  
Васфингни этди Марҳабо,  
Эрта-кеч қилгум дуо:  
Орқамда қолгин, кампирим.



## ҚАЙНОНАЛАР КОНКУРСИ

Бўлиб ўтди шаҳарда,  
Қайноналар конкурси.  
Бир она голиб бўлиб,  
Орден олди, тўғриси.

Ўша орден мис эмас,  
Ясалган нақ олтиндан,  
Устига миттигина,  
Тилнинг расми чизилган.

Она келинлар билан,  
Айтишмаган эканлар,  
Бирон нарса устида,  
Тортишмаган эканлар.

Тўрт келин тўрт томондан,  
Мақтадилар онани:  
«Дунё кўрган эмас, деб,  
Бундаин қайнонани».

Мусобақа ўтди ҳам,  
Она жим турар бирдек,  
Ўйлаб қолдим, бу шўрлик,  
Соқов бўлсалар керак.

Онанинг сукутидан,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол,  
Бир газета муҳбири  
Тинмай беради савол:

— «Энг яхши қайнона», деб  
Тан олиндингиз, мана,  
Онажоним, айтинг-чи,  
Бунинг сири нимада?



Келинга бирон марта  
Танбеҳ бермаганмисиз?  
Ё койиб ёки нолиб,  
У, бу демаганмисиз?

Она саволни тинглаб,  
Жавобига оғринди,  
Мухбир ҳам бўш келмагач,  
Ва ниҳоят «ёрилди».

Келинлар нари кетгач,  
Деди, тишлаб лабини:  
— Фақат, сизга айтаман,  
Ғолиблик сабабини.

Қирқ йил аввал, биринчи  
Келинни олганимда,  
Бир бор койиган эдим,  
Кетиб қолди уйига.

Уни олиб келдим,  
Оғритса ҳам дилимни,  
«Сенга садқайи сўз», деб,  
Ишлатмадим тилимни.

Баланд-паст ҳаёт йўлин,  
Босиб ўтган қайнона.  
«Хув, анатда чуқур бор,  
Тойиб кетма», дейди-да.

Баъзи келинга ёқмай  
Ўша огоҳлантириш,  
«Ўзим биламан», деса,  
Бўлди, чиқади уриш.

Мен бир айтдим, ёқмадим,  
Тобим йўқ, маломатга,  
Келинлар тарбиясин,  
Кўйиб кўйдим ҳаётга.

Бари бола боқяпти,  
Келин туширишади,  
Қайнонасин қадрини,  
Ўшанда билишади.

«Эт», десам, «бет», дейишса,  
Оғриб қолади бошим,  
Ундан кўра илм-урфон,  
Китоблар суҳбатдошим.

Мана, қаҳрамон бўлдим,  
Умрим тинч, саодатда.  
Чунки тил ҳақ зикрию,  
Муроса — ибодатда.

Қаҳрамон бўлиш қийин,  
Ўқийди, ўрганади.  
Не-не доно одамлар,  
Тоғни талқон қилади.

Мен эса ундан бунга,  
Олмасдан битта чўпни,  
Тил тийиб, уй тинчитиб,  
Қаҳрамон бўлдим, хўпми?

Энди айтинг, қай иш куч?  
Тоғни талқон қилишми?  
Ё нодонлар ичра жим,  
Тилни тийиб юришми?



«Майли-майли», деб турдим,  
Идишим синдиришди,  
«Майли-майли» деб турдим,  
Эшак қилиб минишди.

Хуллас, келин нозидан,  
Безор бўлиб кетганман.  
Тилимни шудгор қилиб,  
«Майли-майли», сепганман.

Сиз билдингиз, бу сирни  
Бошқа ҳеч ким билмасин,  
Уйнинг гапи қудуққа,  
Оғзингиздан чиқмасин!

Ҳаёт ўзи — устоз, мен,  
Ўтадиган одамман,  
Ўлим поезди келса,  
Кетадиган одамман.

Унгача дуо қилиб,  
Юриб туравераман,  
«Ин ҳам мегузарад»\* деб,  
Кулиб туравераман.

Отам айтар эдилар:  
«Баҳслашмоқ ёмон одат,  
Рўзгор тинчлиги учун  
Муроса ҳам — ибодат».

Тилагим шу: Ҳаммаси,  
Униб-ўсиб юришсин,  
Ўтиб кетганимда ҳам,  
Ҳавасимни қилишсин.

---

\* *Ин ҳам мегузарад* — Бу ҳам ўтади.

## АЖОЙИБ ҚАНОТЛАР

– Дуога ҳам ишонмай кўйдим,  
 Деди, битта савдогар укам,  
 Мана, ўн йил ўнгланигим йўқ,  
 Эртаю-кеч дуо қилсам ҳам.

Юрсам-турсам, ҳар онда дуо,  
 Уйимда ҳам, ишда ҳам ўша,  
 Энг аввало, мен ўнгландим,  
 Дуо билан ўнгланиш бўлса.

Эртаю кеч сўрайман тинмай,  
 Нексиям, Ласетти бўлсайди,  
 Нимагадир илтижоларим,  
 Худойимга етиб бормайди.

Нима қилсам бўлар экан? – деб,  
 Савол билан қаради менга.  
 Дедим: – Ўша дуоларинг бир,  
 Қаноти йўқ дуолардир-да.

– Тавба, деди ҳайрат билан у  
 Дуога ҳам қанот керакми?  
 Қанотли деб ўйлардим, фақат,  
 Кушлар билан ҳашаротларни.

Дедим: – Ҳожат сўралар кимдан?  
 Оллоҳдан. У — кўкда, сен — ерда.  
 Сўз фаришта эмаски, учса,  
 Сен қайдаю Оллоҳ қаерда?

«Жон томирингиздан яқинмиз»  
 Дейди, буюк ҳикматда ул Зот,  
 Шундай бўлгач, ўйлайсан шартми,  
 Сенинг дуоларингга қанот?



Ул зот яқин, аммо ҳар ишда,  
Бир тартибни қилади талаб.  
Дуоларинг учсин, талпинсин,  
Ўша ҳожатбарорга қараб.

Энг аввало қалб ўша Зотга,  
Ихлос билан тўлиши керак.  
Учиш учун эса, дуонинг  
Қанотлари бўлиши керак.

Дуо ҳам қуш, икки қанотин,  
Бири – ҳалол луқма емоқдир,  
Иккинчиси – қачон сўзласа,  
Фақат тўғри сўзни демоқдир.

Эшитдимки, шу қанот ила,  
Учар экан, дуолар кўкка,  
Унга қўлни очишдан олдин,  
Қанотини тўғрила, ука.



## ХУНУК АЁЛ БЎЛМАЙДИ

– Кўришайлик, – деб битта ая,  
 Кучоғини очиб турибди,  
 Шундай жағин олдида оппоқ,  
 Беш-олти тук ўсиб турибди.

Кўришдиму, дедим, тегишиб:  
 — Эркак киши эмасмисиз-а?  
 — Вой, аёлман, — деганди кулиб,  
 «Соқол»ига қилдим ишора.

Ая деди: — Тегиб бўлмасмиш,  
 Юздан ўсиб чиққан ҳар тукка,  
 Эшитдимки, ҳар тук остида,  
 Ўтирармиш битта фаришта.

Дедим, маҳкам кучоқлаб уни:  
 — Бу гап эркак учун-да, ая,  
 Узр, «соқол»ингизни кўриб,  
 Кўнглим нохуш бўлиб кетди-да.

Фаришталар ўтириш тугул,  
 Бундай юздан учиб кетса-чи,  
 Юлиб ташламасангиз, агар,  
 Чолингиз ҳам қочиб кетса-чи?

Ая деди: — Чол аллақачон,  
 «Қочиб» кетган, ҳозир мен — бева,  
 Пардоз қилиш нимаси энди?  
 Нақ етмишга етиб қолдим-а.

Чолим бўлса бошқа гап эди,  
 Унинг учун ясанардим, ҳа,  
 Пардоз қилсам эри йўқ хотин,  
 Ўғиллардан уяламан-да.





— Оллоҳдан-чи, уялмайсизми?  
Унга ёқасизми безийнат?  
Бир ҳикмат ўқидим, аяжон,  
Ҳар намозга зийнатланиш шарт.

Қошингизда ўсмангиз бору,  
Қўлингизда қора доғ, нега?  
Ёнғоқ пўстин арчибсиз, буни  
Кўлқоп кийиб қилинг-да, ая.

Тўғри, қўлга ҳаракат керак,  
Аммо, сақланг доим чиройли,  
Дуога қўл очганингизда,  
Кафтларингиз бўлсин хиноли.

Қош терилмас, аёлсиз, балки,  
Уни бир-оз текислаш мумкин.  
Энг аввало, уйқуга тўйинг,  
Юз-кўз гўзал туриши учун.

Эллик ёшдан ошдингизми, бас,  
Қалб ва жисм сизга ишхона.  
Ювиб, поклаб, созлатиб туринг,  
Қаридим, деб қилманг баҳона.

Тўкис бўлмас пардозсиз аёл,  
Ўқсик бўлар кўнгли ҳам, бешак.  
«Ўламан», деб, турганини ҳам,  
Ўсма қўйиб, ясатиш керак.

Бу дунёда хунук аёл йўқ,  
Қари аёл ҳам йўқ, шубҳасиз,  
Шундай аёл учраса, агар,  
У дангаса ё ҳафсаласиз.

**АҲИЛЛИККА НЕ ЕТСИН?**

Уч қиздан уч қудам бор,  
Нозу фироғли жуда,  
Кашф этдим битта мақол:  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Ахир, Аллоҳдан кейин,  
Турмасми ота-она?  
Қиз узатиб билдим, йўқ,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Хафа бўлманг, отажон  
«Соғиндим», деманг, она,  
Шундай кунга қолганман,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Чунки, учта «ёмон»им,  
Ўшаларнинг қўлида,  
Айбини ковлашмасин,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Мақтаб — алқаб тураман,  
Ора-кунда телефонда,  
Хушомадсиз иш чатоқ,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Катта қизим меҳнаткаш,  
Рўзғорим, деб, дилпора.  
Шундан ҳам айб топишар,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Айтаман: «Болажоним,  
Ўзингнинг эсинг бор-а?!  
Сабр қилган ютади»,  
Аллоҳдан кейин — қуда.



Ўртанчамнинг тили тез,  
Бир «иш» чиқармасин-да,  
Топганимни ташийман,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Сим қоқаман: «Жон, қизим,  
Уйингдагилар — тилла,  
«Эт» деса, «бет» демагин»,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Кичик қизим бўшангроқ,  
Ҳар дастурхоним — пора.  
Ош шулардан айлансин,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Юбораман эсемес:  
«Ҳилол, тезроқ қимирла,  
Ишларинг қоб кетмасин»,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Ҳайит, байрам, таваллуд,  
Тўрт тоғора оввора,  
Бошқа иш кутиб турсин,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

«Қиз узатдим», деса ким  
Дейман: «Вой, вой, бечора,  
Кунинг энди туғибди»,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

— Мунча «пахта» қўясиз?  
Дер, бир синглим Дилдора,  
— Қиз узатсанг, биласан,  
Аллоҳдан кейин — қуда.



Кўшним сўрар: — Бел соғми?  
Эгилиб қолибсиз-а?  
— Таъзимни кўп қиламан,  
Аллоҳдан кейин — Қуда.

Эрим дейди: — Қул бўлиб,  
Оёғига ётвол-а,  
Дейман: — Қизлар тинчисин,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

— Даволанишинг керак,  
Буйрагингда тош бор-а,  
— Буйрагим ким бўлибди?  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Ҳадис бор: Ким уч қизни  
Катта қилиб, узатса,  
Жаннати бўлар, оҳ-оҳ!  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Шу ҳадис ҳурматидан,  
Қул бўлиш нимаёкан-а?!  
Тупроқ бўлсам, розиман,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Эрим дер: — Жаннат йўли  
Дўзахда-а-ан ўтаркан-да,  
Иш қилиб, етволайлик,  
Аллоҳдан кейин — қуда.

Қиз боқиш бир, тинчитиш,  
Минг машаққат экан-да,  
Борига шукур, майли  
Аллоҳдан кейин — қуда.



Куламан: — Дадаси-ей,  
Тиниб-тинчиб кетсин-да,  
Қайтиб келса яхшими?  
Аллоҳдан кейин — куда.

Тинчлик шарти ширин сўз,  
Мурсою мадора,  
Аҳилликка не етсин?  
Аллоҳдан кейин — куда.

Кудаларга ҳам қийин,  
Ҳамма ғалва ўшатда,  
Чидашади шўрликлар.  
Аллоҳдан кейин — куда.

Яхшимизни ошириб,  
Ёмонимиз яширса,  
Нолишимиз ҳам борми?  
Аллоҳдан кейин — куда.

«Момошапалоқ» ҳам йўқ,  
Ҳақдан ўғил боққанга,  
Бизга жаннатми, тамом,  
Аллоҳдан кейин — куда.





## ЧИРОҚ

Толнинг шохи синди шамолда,  
Сим узилди ва ўчди чироқ.  
Ҳамма чиқиб олди кўчага,  
Зулмат ичра қолганди қишлоқ.

Ҳали-бери ёнмаса керак,  
Энди нима қиламиз вой-вой,  
Осмонни ҳам булут қоплаган,  
Неъмат экан юлдуз билан ой.

Чироқ шукрин қилмас эканмиз,  
Чидамаймиз усиз бир тунга,  
Ҳаққин тўлаб, баъзан нолиймиз,  
Арзир экан ҳар қанча пулга.

Қўшним дер: – Шам олиб кел, болам,  
Чоп, ёпилиб қолмасин дўкон.  
Қоронғуда ётсам сиқилиб,  
Томоғимга келиб қолар жон.

Қайтиб, деди, қўшни боласи:  
– Дўкон ёпилган экан, она.  
– Вой-вой, энди нима қиламиз?!  
Тезроқ борсанг бўларди, бола.

Дедим: – Уйда оила билан ҳам,  
Қоронғудан қўрқамиз ўзи,  
Ўлсак, у зим-зиё қабрда,  
Қандай ётар эканмиз, қўшни?



Олти ёғи тупроқ, тепада,  
Бирон юлдуз, оий бўлмаса,  
Кирадиган тешик туйнуғи,  
Чиқадиган жойи бўлмаса.

Уйимизда гоҳ ўчса чироқ,  
Топилади шам ёки фанор.  
Юз йил, минг йил ётар жойни ҳам  
Ёрутгудай бир чироқ даркор.

Нима энди, бу қоронғулик?  
Гурунглашиб турибмиз, мана,  
Қўй-қўзилар, қўни-қўшнилар,  
Шарпасидан бардаммиз-ку-а?

Чироғимиз ўчгани билан,  
Жа унақа эмас кўрққудай,  
Якка-ёлғиз ётар жойимиз,  
Ташвишин қилайлик, ўргилай.

Қўшним деди: — Шам олайн-а,  
Эртагаёқ дўкон очилсин.  
Қабримга ҳам ёқиб туришар  
Арзимаган нарса-ку, ўлсин.

Дедим: — Қабр ташидаги шам  
Ичкарини ёритмайди-да,  
Навбат билан ёнувчи зўр бир  
Чироқ керак экан қабрга.

Биринчиси ёниб тураркан,  
 Иккинчисин вақти киргунча,  
 Иккинчиси Зиё сочаркан,  
 Учинчисин вақти бўлгунча.

Учинчиси ёниб, ўчмайди,  
 Тўртинчисин вақтига қадар,  
 Тўртинчи бешинчи киргунча  
 Қабримизни қилур мунаввар.

Бешинчиси биринчисининг  
 Вақтигача ўчмас экан-да  
 Қўшним деди: — Тавба, алҳазар.  
 Бу қанақа навбатчилик-а?!

Қайда сотилади у чироқ?  
 Айтинг, мен ҳам топтириб қўяй,  
 Агар ўлсам ўша чироқни  
 Мозоримга ёқтириб қўяй.

Дадасига айтаман, келсин,  
 Ўша ўлгур қимматмасдир жа,  
 Чет эллардан келтирилса ҳам  
 Бир ҳўкизнинг пули бўлар-да.

Суҳбатимиз турганда қизиб,  
 Келиб қолди қўшнимнинг эри,  
 Қўшним чопиб бориб олдига:  
 — Чироқ керак, дадаси, — деди.

Тушунтира бошлади аёл,  
 Эрин икки ёнидан ўтиб,  
 Не гаплигин англагач, эри  
 Хотинига деди ўтириб:





– Нега керак қабрингга чироқ?  
Бўлса жонсиз ётадиган жой,  
Ё ўша ерда ҳам тинмасдан,  
Овқат қилиб, дамлайсанми чой?

Балки пардоз қилгинг ҳам келар,  
Қўймайинми тошойна олиб,  
Ярашдими охират кўйлак,  
Кўрардинг бир ойнага солиб.

Телевизор шартдир мабодо,  
Сериалларингни кўргани.  
Дастёрлардан жўнатвораман,  
Бир кўнғироқ қилсанг бўлгани.

Аёл деди: – Вой, тавба-тавба,  
Шундай қилиш мумкинми ўзи?  
Эри деди: – Жуда мумкин-да,  
Ухлаш керак, уйга кир, бўлди.

Улар кириб кетди. Эрталаб,  
Кўшним чиқди, паришон бир оз,  
Деди: – Эрим айтди, эмишки,  
Қабримизнинг чироғи – намоз.

Дейилганмиш, вақтида, тўкис,  
Адо этса намозни инсон,  
Қабрига беш чироқ бўлармиш,  
Бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон.

Дедиларки: «Лақиллаб юрма,  
Дўкон асли ҳаётимиз ҳам  
Қулфланиб қолмасидан бурун  
Чироғингни сотиб ол ундан.



Хотинларнинг ҳозир, айниқса,  
Йиғинию «гап»и кўпайган,  
Шукру тавозеси камайиб,  
Нолишу гийбати кўпайган.

Қабрни хуш амаллар билан,  
Жаннатдан бир боғ қилиш мумкин.  
Ё гафлатда бепарво юриб,  
Дўзахдан бир чоҳ қилиш мумкин».

Кўшним кулиб турди ўрнидан,  
Дедим: — Чироқ ёнди-ку, ўртоқ,  
Ўтирайлик, у деди: — Йўқ-йўқ,  
Чироқ ғамламасам иш чатоқ.

Ундан кўра уйимга кириб,  
Кўй-қўзимга ем бера қолай,  
Беҳуда ишларга сарфлаган,  
Ҳаётимни тартибга солай.

Ҳар он, ҳар дам ғанимат экан,  
Яшай энди ақлимни жамлаб,  
Ёпилмасдан умр дўконим  
Чироғимни олайн ғамлаб.

— Ўҳ-хў! — дедим, завқланиб, — кўшни,  
Олим бўлиб қолибсиз-ку-а?!  
Ўттиз беш йил уқмаган гапни  
Ойсиз бир тун уқтирибди-я.

Соддагина кўшним шошилди,  
Гаплашиб ҳам ўтирмади бир,  
Қоронғудан одам дегани,  
Шунчалик ҳам кўрқарми, ахир.



Бирам рози бўлдим шу тундан,  
Яшавор, эй, симни узган тол!  
Ғафлатдаги қитъаларни ҳам  
Бир-бир йўқлаб тургин эй, шамол.

Дунё айлан, шох синдир, сим уз,  
Булут ичра яшир ойини,  
Қоронғуда зора эсласа,  
Охир бир кун борар жойини.





## ЭСЕМЕС ҚОР ХАТ

Бугун кўкдан ёғди раҳмат,  
Телефонда кетди қор хат,  
Юбордигу ура қочдик,  
Тутиб олинг энди фақат.

Қува-қува бош айлансин,  
Бош билан тоғ-тош айлансин,  
Ғар тутсангиз, бўлди, гап йўқ,  
Сиздан битта ош айлансин.



## УЙҒОТИШ

Бир жангари саркарданинг онаси,  
Уч-тўрт ёшли бўлганида боласи,  
Уйғотар экан, шарт очиб хонасин:  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Ибрат қилиб дунёга шу онани,  
Ҳар ким шундай уйғотсин, деб, болани,  
Мақтайдилар ўша бир иборани:  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Нима эди, она айтган «буюк иш»?  
Боғ яратишмиди ё шаҳар қуриш?  
Қилган иши бўлди-ку фақат уриш,  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Кўприк қурдими, ариқ қаздими?  
Ё ибратли бирон асар ёздими?  
Бўлди ҳою-ҳавас, шуҳрат мардуми,  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Бир нодоннинг шуҳрату шони учун,  
Рус, турк, араб оналарин бағри хун,  
«Буюк иш»нинг қонли тарихи узун,  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Бу уришлар даҳшатини айтсам, вой!  
Таърифлашга камлик қилар ҳойнаҳой,  
Минг «Уруш ва тинчлик» мингта Толстой  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Шуҳратпараст она етди, шуҳратга,  
Боласи панд берди, инсониятга,  
Оладиган борми келинг, ибратга,  
«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».



Ҳожа бўлиб қилич, милтиқ, қуролга,  
 Айланмоқчи эди улуғ қиролга.  
 Сургун бўлди бир кимсасиз оролга,  
 «Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Буюклик бир яратганга эди эп!  
 Арвоҳи ҳам тургандир пушаймон еб,  
 Уйғотиши керак эди, бундай деб:  
 «Туринг, сизни эзгу ишлар кутяпти».

«Эзгулик», деб, уйғотганда онаси,  
 Олим, боғбон бўлармиди боласи?!  
 «Босқинчи», деб, кетди-я овозаси,  
 «Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти».

Уйғотади боласин доно она,  
 Тонгда қушлар қилганида хуш нола,  
 Деб: «Келтиринг бандаликка шукрона,  
 Туринг, сизни эзгу ишлар кутяпти».

Ассаломдан бошлансин ҳар кунингиз,  
 Пок бўлсин тан, кўнгил ва ниятингиз.  
 Наф келтирсин элга касб, меҳнатингиз,  
 Туринг, сизни эзгу ишлар кутяпти.

Бузманг ҳатто мусичанинг инин ҳам,  
 Олиб юрманг тигнинг ҳатто қинин ҳам  
 Ҳар яхшилик — ибодатдир, жон болам,  
 Туринг, сизни эзгу ишлар кутяпти.

Биз — Инсон, лойиқ бўлиб шу шарафга,  
 Интилайлик Ҳаққа, зиё тарафга,  
 Тонгдан сизни буюраман савобга,  
 «Туринг, сизни эзгу ишлар кутяпти».



## РЕКЛАМА

(Латифа)

Дўзах билан жаннатнинг  
Ёпиқ экан эшиги  
Бор экан бир кўришга,  
Гилосдайин тешиги.

Шайтон ўзига мойил  
Одамларни бирма-бир  
Ўша икки тешикдан  
Қаратаркан муғомбир.

Жаннатни шу тешикдан  
Қараб кўриб бир киши:  
Дебди: — Ичма, чакма, вой,  
Пок юр, қийин-ку иши.

Дўзахнинг тешигидан  
Қараб дебди: — Ё худо,  
Бу ерда пул, аёллар,  
Бойлик, шон, кайфу сафо.

Мен излаган жой шу, деб,  
Эшигидан кирибди,  
Олов, азоб, доду вой,  
Илон-чаён кўрибди.

«Дод! — дебди уриб, тепиб,  
Чиқолмасдан эшикдан:  
— Мен бошқача ҳаётни  
Кўргандим-ку тешикдан».



Шайтон дебди: – Танладинг,  
Тўполонинг нимаси?  
Сен кўрган нарса эди  
Дўзахнинг рекламаси.

– Вой, дод! Унда жаннатда,  
Кўрган заҳматлар нима?  
– У васвасам – жаннатга.  
Қарши антиреклама

Роҳатга қизиқтириб,  
Дўзахга чақираман,  
«Меҳнат», дея, қўрқитиб  
Жаннатни яшираман.







## ЎЗИМИЗНИНГ СУҲБАТЛАР

Анча пул олди болам,  
Бизнесимга, деб, мендан  
Қайтарар десам, асло  
Садо чиқмайди ундан.

Дедим бир кун: — Ҳой бола  
Қани, ўтир, олдимга  
Мендан олган пулингни  
Қайтариб бер ўзимга.

Болам деди: — Вой, вой, вой,  
Қайтараман, онажон,  
Кўпайтириб бераман,  
Еб кетмайман ҳеч қачон.

Ҳай, ҳай, уят эмасми?  
Ўзимнинг онам сиз-а,  
Қистамай туринг шуни  
Айлантирай озгина.

Зерикиб кетган экан,  
Пулларингиз сандиқда.  
Дубай, Пекин айланиб,  
Маза қилишяпти-да.

Дедим: — Бир тийин кўшма  
Ўзини бер пулимни.  
Устига фойда олиб,  
Судхўр бўлиб қолайми?

Қуёшнинг атрофини  
Бир айланиб чиқди ер.  
Пулим ҳам алангадир,  
Бўлди, энди, қайтиб бер.

Товба-товба, болалар  
«Дуо қилинг, деб, мени»,  
Ота-оналарига  
Пул берарди илгари.

— Пулга дуо қилишми?  
Деди, болам. — Хўп, мана,  
Беш миллионга, беш соат  
Дуо қиламан, она:

— Омин, Оллоҳ, аввало  
Тинч қилгин шу оламини.  
Кейин саломат қилгин,  
Менинг гўзал онамини.

Берадиган қўллардан  
Қилиб икки қўлини,  
Очиб қўйгин онамга  
Саккиз жаннат йўлини.

Ҳалол ризқ бер, молимга  
Барака бер, илоҳим,  
Бахтимизга ҳамиша  
Соғ бўлсин қиблагоҳим.

Боламнинг оғзидан шарт  
Илиб кетдим дуони:  
— Омин, болам бўйнидан  
Ол, қарз деган балони.

Хотинга ўн миллионлик  
Садафу дур тақгунча  
Ўз бўйнидан қарз дурин  
Ечсинлар «домла почча».



Илиб кетди оғзимдан  
Дуони энди болам.  
Деди: — Оллоҳим, ўзинг  
Шоҳидсан, билмас онам.

Билса бундай демасди,  
Не деса ҳам майли-ю,  
Хотинимнинг занжирин,  
Онаси обберган-ку.

Мен бошладим: — Оллоҳим,  
Ишонма бу сўзига.  
Келин ўғлим гўштини,  
Едиради ўзига.

Не қилай, болам содда,  
Текширишни билмайди.  
Пул керак бўлса геллаб,  
Онасини тунайди.

Ўғлим деди: — Мен таслим.  
Онам ҳақлар, худойим.  
Шу онамнинг сандиги,  
Пулга тўлсин, илойим.

Мени ҳам шу онамнинг  
Хизматида ҳазир қил.  
Бир берганин ўн қилиб,  
Қайтаришга қодир қил.

Кўзларимга ёш келди,  
Кўнглим бузилиб секин,  
Болам қаттиқ гапимдан  
Хафа бўлмадимикин?

Давом этди у: — Соғ қил  
Шу оналар гулини.  
Бир ой эслатмай тургин,  
Менга берган пулини.

Қалбларига иймону  
Кўзларига нур тўлсин.  
Чоллар бўлиб харидор  
Кучоғига гул тўлсин.

«Омийн», дея қочди у,  
— Хап, сеними, шошмай тур.  
Пулимни бермасанг ҳам,  
Келиб тур, омон бўлгур.





## ҚАЙНОНА-КЕЛИН ҲИЙЛАСИ

Деди катта келиним  
Телефонда жигибийрон:  
— Наргизани ҳеч эвлаб,  
Бўлмаяпти, ойижон.

Ўн иккига тўлди-я  
Чаққон-чаққон юрмайди  
Бирон ишни буюрсам,  
«Хўп» дейди-ю қилмайди.

Хаёл суриб оввора  
«Қарашворгин», десам, у  
Ўрнидан силжимай дер:  
— Хўп-хўп ҳозир дедимку.

«Хўп»инг қурсин сен қизни  
Танбал, ялқов, дангаса.  
Қайнонанг шўрликни ҳам  
Куйдирасан-да роса.

Қўрқитаман: Турмасанг  
Ўқлоғ билан ураман.  
Чўзилади яна у:  
«Хўп-хўп, ҳозир тураман».

Тегиб кетди жонимга,  
Шуни бир нарса қилинг.  
Дедим: — Бўпти бораман,  
Буни мену сиз билинг.

Ҳозир нозик ёшда-да,  
Ўсаётган боламиз.  
Урмай-сўкмай бир ҳийла  
Билан йўлга соламиз.



Бордим, «Бувим келдилар»,  
 Суюниб кетди Наргиз.  
 Бир-биримизни ўпиб,  
 Ачом-ачом қилдик биз.

Биқинимга кирволиб,  
 Турмадилар қиз пошша.  
 Тушундим келин мени,  
 Чақирмабди бекорга.

«Кўрдингизми?» дегандай,  
 Келин мені имлади.  
 Дедим: — Ўнга кирди-а,  
 Наргиза қизим мани.

— Ўн иккига тўлади,  
 Бувиси, кейинги ой.  
 Сапчиб тушдим жўрттага,  
 — Ўн иккигами, вой-вой.

Етибди-ку вояга,  
 Совчи келаётгандир.  
 Наргиза хушёр тортиб,  
 Бизга қаради бир-бир.

— Совчи келмаяпти-да,  
 Деди, келиним хомуш.  
 — Нима айби бор экан,  
 Ёки қилмайдими иш?

— Йўқ-йўқ, деди, келиним  
 Ҳамма ишни билади.  
 Бир гап айтсам оғзимдан,  
 Чиқмай туриб қилади.



— Нега совчи келмайди?  
Пала-партиш юрмаса.  
Кўчада сақич чайнаб,  
Писта чақиб турмаса.

Уй ишин ўзи топиб,  
Қиладими ишқилиб?  
Ё айтсанг қиламан, деб,  
Турадими эшилиб.

Нега совчи келмайди?  
Юрадими озода?  
Тирноқларин ўстириб  
Юрган қиз бўлмас тоза.

Дарсда ўртоғи билан,  
Ўтирар ё лаққиллаб  
Устоз танбеҳ берса ё,  
Гап қайтарар жаққиллаб.

Ака, келинойилар  
Ҳурматин қиладими?  
Ё уларга иш айтиб,  
Ўзи ўтирадими?

Балки соат-соатлаб,  
Телефонда гап сотар?  
Ё кўчада «хо-хо»лаб  
Йигитларга гап отар?

Нега совчи келмайди?  
Одобига ҳам боғлиқ,  
Эҳтимол юрар, ёмон  
Қизлардай очиқ-сочиқ.



Баъзи қизлар эркакдай  
Сўкинармиш, вой, ўлай,  
Улар қизмас бир бало,  
Юзи курсин, ўргилай.

Менинг қизим зиёли,  
Китоб ўқийдику-а?  
Текшириб турасизми?  
Ўқишлари қанақа?

Ўзидан катталарга  
Ўргатмайдими ақл?  
Бундай қизни дейдилар  
«Она-хотин» ё «кампир».

Нега совчи келмайди?  
Мени кўриб бўйимни  
Ўн икки ёшимдаёқ  
Совчи босган уйимни.

Чақирсалар «Лаббай», деб  
Турар эдим ҳар доим.  
Бир иш айтсалар «хўп» деб,  
Югурарди оёғим.

Ўн саккизга киргунча,  
Уйимиз бўлган бозор,  
Ноилож узатишган,  
Совчидан бўлиб безор

Наргиза ҳам зурёдим  
Бу ҳам менинг қизим-да.  
Ўхшаб қолади ҳали,  
Қараб туринг, ўзимга.





Келин деди: — Ўхшайди,  
Доим турар саҳарда  
Кимга ўхшади, десам  
Сизга тортган экан-да.

Дедим: — Қизим ақли,  
Файратли, хушёр, доно,  
Совчи келмай турса ҳам,  
Бўлади-да бир бало.


«Қизимни келин қилинг»,  
Деёлмасак бировга,  
Обориб беролмасак  
Совчи, тўйсиз куёвга.

Ховотирим тарқади,  
Яхши экан қизимиз.  
Уйимизни излашиб  
Юргандир-да совчимиз.

Уйимизни топгунча  
Вақт беҳуда ўтмасин.  
Хулқу одоб, иш, тутим  
Муомала ўргансин.

Беш йилда уйимизни  
Келишади топишиб.  
Қўшнилар мақтаб берса,  
Қолишади ёпишиб.

Совчиларнинг ичидан  
Зиёлисин танлаймиз.  
Бахтин кўриб, шу қизнинг  
Иншаоллоҳ яйраймиз.



---

Унутилиб кетади  
Шу бугунги заҳматлар,  
Эшитганда қайнона  
Қайнотадан раҳматлар.

Қизимизнинг шамоллар  
Юрган бошин тўлатдик.  
Ўн беш ёшли қиз қилиб,  
Мактабига жўнатдик.

Бахт тўшаги, маърифат  
Ипи билан қавилар.  
Қуда ёқдан бекорга  
Сарпо киймас бувилар.





## ТАЛОҚ

Шодивойга хотини  
Деди, қилиб қўнғироқ:  
— Азизиз хотинини  
Яна қилибди талоқ.

Шодивой деди: — Тамом,  
Эндиям ўлдираман,  
Шу болангни шу сафар  
Нима қилсам қиламан.

Келин кетиб қолдим?  
Хотини деди: — Уйда.  
Кетишига қўймадим  
Уч ой сақлайди идда.

Иддаси битмагунча  
Кетмайди ҳеч қаёққа  
Шу орада эр қайтиб,  
Олиш керак никоҳга.

Икки мартагача шу,  
Учинчи бор айтилса,  
Никоҳ ўқиб бўлмасмиш  
Қилинармиш «ҳалала».

Бу шуки, хотин бошқа  
Эрга тегиб чиқади.  
Шунда аввалги эрга,  
Никоҳ мумкин бўлади.

Ҳомиладорми билишга  
Уч ҳайз вақти етади.  
Бўлса туғиб, кўкракдан  
Чиқаргач, сўнг кетади.



Нима бўлсам бўлдим ман  
Буни сизга айтгунча.  
Уч соат китоб титиб,  
Йўл-йўригин билдим-да.

Бу иккинчи айтиши  
— Тўхта, деди, Шодивой —  
Фатво, жарима, мулла  
Югуриш керак, вой-вой.

Агар шундай бўш бўлса  
Бу болангинг тил-жағи  
Фирмамда бир муллага  
Штат очаман чоғи.

Ишдан қайтган Шодивой  
Ҳовлисига кирибоқ,  
Боши қотиб ўтирган  
Ўғлини қилди сўроқ:

— Нима қилдинг, ярамас?  
Нега «талоқ», деддинг-а?  
Жиннимидинг, мастми ё  
Ҳушёрмидинг ўшанда?

Ўғли деди: — Ичмайман.  
Буни ҳамма билади.  
Ўзиям гап қайтариб,  
Жаҳлимни чиқаради.

Астойдилмас, шунчаки,  
Қўрқитмоқчи эдим-ку,  
Ота деди: — Шунчаки  
Айтадиган гапми шу?



Ўйин бўлиб қолдими  
Шариат иши сенга?  
Талоқни сен айтасан,  
Никоҳ ўқитиш менга.

Шариатда қонун бор,  
Мўминмисан, ишқилиб  
Агар бошқача бўлса,  
Яшайвер ўзинг билиб.

Бу сўз ҳар оиланинг  
Тонгларини шом қилур.  
Бу шундай ёмон сўзки,  
Ҳалолни ҳаром қилур.

Бу сўз билан байраминг  
Айланади азага.  
Айтилганда Аллоҳнинг  
Арши келар ларзага.

Ер эмас, осмон эмас,  
Нақ Аллоҳ арши агар  
Ларзага келар бўлса,  
Бу сўз ёмон-да, занғар.

Сен бу сўзни бир эмас,  
Икки марта айтдинг-а?  
Хотин сенга тамом ёт,  
Бир марта айтсанг яна.

Худойим рухсат берган  
Нарсаларнинг ичида.  
Ўзига ёқмагани  
Талоқ экан, аслида.



Ўгли дер: — Хўп, дедим-ку,  
 Ҳеч айтмайман бу сўзни.  
 Аслида, хотинимни  
 Яхши кўраман ўзи.

Ота деди: — Минг севгин,  
 Энди никоҳсиз ҳаром.  
 Фатво, жарима, мулла  
 Ўзинг югур, вассалом.

Бўлди энди, онаси.  
 Ҳушёр бўл буёғига  
 Қадам босмасин ўғлинг  
 Келиннинг ётоғига.

Кийим-кечагини ҳам  
 Олиб чиқиб қўясан.  
 Никоҳ ўқилмагунча  
 Остонада ётасан.

Ўгли деди: — Бу сўзни  
 Айтганим йўқ атайин.  
 Шундоқ, уйимга кириб,  
 Ярашволақолайин.

Ота деди: — Ўзингча  
 Ярашволсанг, мабодо,  
 Никоҳ йўқми, ҳар битта  
 Муомаланг бўлар — зино.

Розимисан, майлига,  
 Югур, кириб кетақол.  
 Талоқ айтдинг, энди у  
 Никоҳсиз бўлмас ҳалол.



Ўғли деди: — Жон, дада  
Қанча пул бўлса олинг.  
Шу никоҳ хутбасини  
Сиз ўқиб қўя қолинг.

Жаҳли чиқиб отанинг.  
Деди: — Вой, буни қара  
«Никоҳ ўқинг», дебди  
Жиннийкан манов бола.

Бир тушириб қолайми? —  
Шодивой уради дўқ.  
— Хутба ўқиб мен сенга  
Мулламанми, эси йўқ.

Никоҳ сенга ғазалми?  
Ҳамма ўқий биледи.  
Ҳар қанақа ишнияма  
Ўз устаси қилади.

Майли, бу охиргиси,  
Ўзим йўлин топаман  
Беш миллионгина берсанг,  
Чиқимини ёпаман.

Ўғли дер: — Бир никоҳга  
Шунча пул кетадимми?  
Ота деди: — Билмадим?  
Ҳали бу етадимми?

Хотинингни олишда  
Сендан пул кетмаган-да,  
Мендан кетган, ўн миллион  
Етмаганди ўшанда.



Хотинига кўзини  
Қисиб кўйди Шодивой  
Хотини деди шипшиб:  
— Мунча қийнадингиз, вой.

Шодивой деди: — Тек кўй,  
Бир куйсин ўз пулига.  
Зора бундан буёғи  
Маҳкам бўлса тилига.

Хуллас, битди ҳамма иш,  
Ўқилди хутба-никоҳ,  
Эрталаб, хотинига  
Ҳазиллашди Азиз: — Оҳ!

Эссиз шунча пулим-а,  
Қанча камим тўларди.  
Шу пулимга битта қиз  
Хотин олсам бўларди.

Кулди қайнона-келин  
Ҳовлига кирди чирой.  
Хотинига шипшиди  
Ишдан келгач Шодивой:

— Шуларнинг ғалвасидан  
Чўчиб қолди юрагим.  
Овозларин эшитсам,  
Оғрийди чап курагим.

Бўлди, онаси, энди  
Қадримизга етамиз.  
Никоҳдан қолган пулга  
Саёҳатга кетамиз.





## БИР ОНА ИЛТИЖОСИ

Туғиб, боққан боламиз,  
Жаноби олийлари!  
Отангиз билан бир оз,  
Тинч яшасак, майлими?

Яллони сиз қиласиз  
Жононингиз билан шод,  
Хотинингиз куйгандан  
Бизга келиб, дейди, «Дод!»

Токай биз пул тўлаймиз,  
Емаган ошимизга?  
Одам йиғиб келади  
Қудалар бошимизга.

«Хотин устига уйлан»  
Деб, биз айтмаган бўлсак,  
Нимага бизнинг бошда  
Синиши керак калтак?

Ўстирдик орзу билан:  
«Катта бўлса боламиз,  
Эзгу ишлар қилади,  
Раҳмат, савоб оламиз».

«Раҳмат» оляпмиз, мана  
Сизга пулин беришиб,  
Ололмасдан, бизларга  
Лаънат ўқир келишиб.

Бирингиз оиладан ҳам,  
Ароқни билиб азиз.  
Сизни чоҳга тикса ҳам,  
Айрилолмайсиз ҳаргиз.

Келин кўнглин оламиз,  
Боқишиб болангизни  
Ўлдириб, тўхтайсизми,  
Отаю онангизни?

Маънан ўлиб бўлганмиз,  
Жисмимизгина тирик.  
Қариган чоғимизда  
Бизга бу не кўргилик?

Ичи оғриб, қақшаса,  
Отами ёки она,  
«Оқ қилдим», демаса ҳам  
Оқ бўлар экан бола.

Кўнглимиз оғриси ҳам  
Дуога очамиз қўл:  
«Шу боламдан розиман,  
Аллоҳ, Сен ҳам рози бўл».

Балки, тақдир шундайдир,  
Куйиб қайга борамиз?  
Ғам зўр келса «Аллоҳ!», деб  
Ўлиб қўя қоламиз.

Жаноби олийлари!  
Сиздан илтимос, яна  
Ўша кун озор чекиб,  
Йиғлаб-нетиб юрманг-а...



## МАШРАБОНА ОҲАНГЛАР

Эй кўнгил, чангингни қоқ, дурдоналарнинг олдида,  
Нурга уч, силкит қанот, парвоналарнинг олдида.

Тўтидан нағма қилиб сен, турмагин ғашга тегиб,  
Чўғиздай йиғлаб ўтир, вайроналарнинг олдида.

Ким сочур ҳикмат дурин кўп, топгуси қадру баҳо.  
Донишу собит қадам мардоналарнинг олдида.

Элда бор шундай мақол, дерларки: «Тенг тенги билан»,  
Камтар ўл, ожиз, ғариб бечораларнинг олдида.

Итлари қопмай туриб, тур, иззатинг борида кет.  
Эй, гадо, не бор сенга қошоналарнинг олдида?

Ҳамд айтувчи митти қуш, яхшидур ул Холиққаким,  
Биз каби ўзи билан овораларнинг олдида.

Япроқ узра томчи умрингдирки, беиз кетмасин  
Маърифат уммони бўл фаввораларнинг олдида.

Ишқи ноқис ҳамди ноқис, ким бўлибди Марҳабо?  
Курт-қумурсқа, чумчуғу бедоналарнинг олдида.





## ЗАМОНАВИЙ ВАҲШИЙЛИК

Эр деди, хотинига  
Газета ўқиб туриб:  
— Араб бўлиб қолмабмиз,  
Яхшиям, худо уриб.

Қара, бу ваҳшийларни,  
Шунақаям бўларкан.  
Қиз туғилса чақалоқ,  
Ерни ковлаб, кўмаркан.

Хотин деди: — Вой-вой-а!  
Қаранг-а, ўз боласи.  
Бу исломдан олдинги  
Араблар-да, дадаси.

Талончилик, динсизлик,  
Урушқоқ ҳар қабила.  
Ўғил болаларидан  
Тузар экан армия.

Қиз боладан не фойда?  
Нонига бўлар шерик.  
Боқиб-боқиб, бировга  
Бервориш — ақлсизлик.

Эр деди: — Тахмин қилма,  
Жа, унақа эмасдир.  
Балки, қиз узатишнинг  
Қийинлиги сабабдир.

У пайтлар содда халқ  
Режа билан туғмаган.  
Сақланадиган ҳар хил  
Дориларни билмаган.



Икки қиз узатгунча,  
Қул бўлиб, ишладиг-а.  
Ҳали Чорсуда савдо,  
Ҳали Хитой, Россия.

Олган эдик чиройли,  
Тошкентнинг мебелини.  
Катта куда қайтариб,  
Юборган, эсингдами?

Зўрини оламиз, деб,  
Битта домни соттирдинг.  
Молу қизингни бериб,  
Нима фойда орттирдинг?

Битта домнинг пулига  
Учта уйни ясатиб,  
Ора-кунда қизингни  
Юборишар қақшатиб.

Куёвмиш қайнотасин  
Мебелида ётиб ҳам,  
Учрашганда эриниб,  
Кўришардилар «акам».

Айтгим келар, қўл чўзиб,  
Қотганида энсаси:  
«Қалай, юмшоқ эканми,  
Туркиянинг кўрпаси».

Ёқдимиди гиламларим?  
Юнги, пати узунми?  
Турткиламай, бошингда  
Кўтариб юр қизимни.



Юмшоқ мебелларим-чи,  
Тушдими уй рангига?  
Кетларингни қитиқлаб,  
Қийнамаяптими-а?

Олган чинни буюмлар,  
Хурусталларим қалай?  
Ҳалли коса шўрваси  
Ёқётгандир асалдай».

Куданг-чи, осмондалар,  
Белларида доим қўл  
Келиннинг моли билан  
Уйингни ясатмай ўл.

Дептилар: «Алмаштиринг,  
Ёстиқларнинг пари кам,  
Чойнак-пиёла кичик,  
Ликопларнинг зари кам.

Сепларининг ичида  
Аптечкаси, дори йўқ.  
Пилесос ювадиган бўлсин»,  
Депти, ори йўқ.

Юбордиму десам-да:  
«Кўнглинг мунча моғор-а?  
Ўша пилесосимда  
Қалбингниям тозала».

Хотин деди: — Ҳа, майли  
Бўлди энди, дадаси.  
— Келин топиб, шарт қўйсанг,  
Ўлдираман, онаси.



Қурбилари етганча  
Сеп қибберсин, индама.  
Хотин: — Менга барибир  
Одамлар кулади-да.

Эр дейди: — Бу хотинлар,  
Бунча ўч-а дунёга?  
Ўтиб кетди ишлари  
Хўжакўрсин, риёга.

Буларни бир меъёрга  
Ўргатиб бўлармикан?  
Ё шу «ким ошди»сини  
Қилмаса ўлармикан?

Эркакларни ҳам секин,  
Қўлларига олишди.  
«Ҳа, шунақа экан», деб  
Кўниб қўя қолишди.

Кўпроқ пул топайин, деб  
Юрган бўлса қай эркак.  
Миясида бир фикр:  
«Қиз узатишим керак».

Лом, мим, ҳатто, алифни  
Билмасак мўмин бўлиб,  
Тўйшунослик илмини  
Ичворганмиз сув қилиб.

Сен паст бўлиб, қудадан  
Сўраб олма борини.  
Мўмин киши қийнамас  
Мўмин биродарини.



Ким қудани қийнаса,  
Таъма-ла бериб озор.  
Боласин тирик кўмган,  
Ваҳшийдан не фарқи бор?

У боласин тупроққа  
Кўмса боқмай оҳига,  
Бу қудасин кўмяпти  
Таъма, таъна чоҳига.

Фарқи шуки, улар дин,  
Нур кўрмаган инсонлар,  
Биз-чи, гурурга кетиб,  
Бузилган мусулмонлар.

Бу ҳою ҳавасларнинг  
Сўроғи ҳам бўлади.  
Марҳабо ҳаддан ошса  
Охиратда кўради.







## УЧРАШУВ

Вой, вой, қани юзимиз ранги?  
Овозларнинг кўрки, жаранги?  
Бўлмасак ҳам ёшариб, янги  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Жойлаб бўлдик ўгилу қизни,  
Энди, улар ўйласин сизни,  
Не ишимиз қоляпти бизни?  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ташлаб ҳасса, таёғимизни,  
Боғлаб белу оёғимизни,  
Кўйиб ойна, бўёғимизни,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Қўшним дейди: — Ёш етмиш, саксон,  
Пардоз-андоз ярашармикан?  
Дейман: — Нега ярашмас экан?!  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Юракларни завққа тўлдириб,  
Чолимизни ҳайрон қолдириб,  
Бўянишга у-бу олдириб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ўлиш учун сабаб, дард фарам,  
Ўз жонингга ўзинг бўл малҳам,  
Ўксимасин чоли йўқлар ҳам  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Нафақани чўнтакка солиб,  
Қулай, янги либослар олиб,  
Юрамизми ўксиниб нолиб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.



Тилимизда шукур, ҳамд, дуо,  
Қалбимизда иймон, нур, зиё.  
Ҳавас қилиб қолсин бу дунё,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Кўзлар қолмасидан юмилиб,  
Яшанг атирларга чўмилиб,  
Кетарканмиз бир кун кўмилиб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ташвишларни орқага ташлаб,  
Тирноқларимизни тарашлаб,  
Ўсма, хинолар қўйиб, яшнаб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Балки, биздан ёшлар кулишар,  
Ёшимизга етгач, билишар,  
Бу биз учун энг зарур ишлар,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Биримизни бод қийнаётир,  
Биримизга қанд ханжар отур,  
Йўқол, ташвиш! Йўқол, хавотир!  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Борица зеб-зийнатлар тақиб,  
Ўлимга ҳам жилмайиб боқиб,  
Ҳазрат Азроилга ҳам ёқиб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ким кўрганга дардимиз санаб,  
Юрамизми кўнглимиз қонаб?  
Бисмиллоҳ, деб тонгдан эрталаб,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.



Китоб ўқинг, дард санагунча,  
Зикр айтинг, ғам санагунча,  
Руҳ ҳалиям бир қиз, бир гунча,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Айтиб кўшиқ, шеър, ғазални,  
Уйдан узмай майиз, асални.  
Ҳайдаб тандан, дарду касални,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ичиб туринг дорингизни ҳам,  
Тек ётқизманг чолингизни ҳам,  
Қилиб туринг нозингизни ҳам,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Жилмайинг, кун кўрай, десангиз,  
Юринг, соғлом бўлай десангиз,  
Ётаверинг, ўлай, десангиз,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Гапиргудай ҳоли бўлса ким,  
Сурсин ўсма, сурма, хинасин.  
Азройил ҳам кўрқиб турмасин,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Чолимизнинг олсак кўнглини,  
Тутганимиз шу ҳақ йўлини,  
Бўлиб келинларнинг келини,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Кўшним дейди: — Кулдирманг бизни,  
Биз куёвин кутаётган қизми?  
Пардоз билан ўтказсак кунни?  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.



Дедим: — Уч-тўрт марта умрида,  
Насиб этса учрашув қизга,  
Кунда беш бор учрашув сизга,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Кўшним дейди: — Не учрашув, вой?  
Хаёлингиз жойидами, ҳой?  
Гапларингиз нега пойма-пой?  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Дедим: — Бирам қилдингиз-ей ноз,  
Зийнатланиб бўлинг гўзал, соз.  
Учрашув манзили — жойнамоз.  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Роз айтасиз шу гиламчада,  
Кўтарилиб бориб Аршгача,  
Зўр учрашув шу эмасми, а?  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ўтган кунлар киноси, мана  
Кўйлагу рўмоллар шоҳона,  
Ўзбекмиз, бек хонадонида,  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Ким бой яшаяпти бизимдек?  
Тўй-тўйчиқ қияпти сизингдек?  
Савлат тўкиб, Ўзбекойимдек  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

Кўшним дер: — Уй, набира, меҳмон...  
Дейман: — Чиқиб кетмоқда-ку жон,  
Ўзингизни ўйлайсиз қачон?  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.



Кўшним дейди: — Ишим кўп ахир,  
Муоммо кўп, ғам кўп хилма-хил.  
— Вой-дод! — дейман, — кўнгил-чи, кўнгил?!  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.

— Бу боламнинг буниси кам-да,  
У боламнинг униси кам-да.  
— Вой, кам бўлса, бўлиб ўлсин-а!  
Ясанамиз, туринг, кампирлар.



## МУНДАРИЖА

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Кампирга совчи келди .....     | 3  |
| Қидирув .....                  | 8  |
| Она васияти .....              | 12 |
| Орқамда қолгин, кампирим ..... | 16 |
| Қайноналар конкурси .....      | 18 |
| Ажойиб қанотлар .....          | 22 |
| Хунук аёл бўлмайди .....       | 24 |
| Аҳилликка не етсин? .....      | 26 |
| Чироқ .....                    | 30 |
| Эсемес қор хат .....           | 36 |
| Уйғотиш .....                  | 37 |
| Реклама .....                  | 39 |
| Ўзимизнинг суҳбатлар .....     | 41 |
| Қайнона-келин ҳийласи .....    | 45 |
| Талоқ .....                    | 51 |
| Бир она илтижоси .....         | 57 |
| Машрабона оҳанглар .....       | 59 |
| Замонавий ваҳшийлик .....      | 60 |
| Учрашув .....                  | 65 |

**МАРҲАБО**

**КАМПИРГА СОВЧИ КЕЛДИ**

*Шеърлар*

Муҳаррир: *Адиба Ҳамро қизи*  
Техник муҳаррир: *Мухриддин Ҳамроев*  
Мусаввир: *Шухрат Одилов*  
Саҳифаловчи: *Суннат Пўлатов*  
Мусаҳҳиҳа: *Дилшода Аввалбоева*

Нашриёт лицензияси: А1 № 221. 16.11.2012 й. Теринга берилди:  
28.01.2013 й. Босишга рухсат этилди: 22.02.2013 й. Таймс Тал гар-  
нитураси. Бичими 84×108<sup>1/2</sup>. Шартли босма табағи: 4.5. Офсет босма.  
Адади 10000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда. Шартнома № 03-13.

«YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти, Тошкент шаҳри, Отчопар  
кўчаси, 82-уй. Тел.: 230-04-74. E-mail: [yurist-media@mail.ru](mailto:yurist-media@mail.ru).

«SIRIUS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри,  
Бобур кўчаси, 4-уй. Буюртма № 01.